



Investigating of the principles of creating a dictionary of geological terms in English and Uzbek

Lola RIKHSIEVA¹

Uzbekistan State University of World Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2023

Received in revised form

15 December 2023

Accepted 20 January 2024

Available online

15 February 2024

Keywords:

lexicography,
terminological dictionary,
scientific-method,
geology.

ABSTRACT

The article discusses the features of lexicographic principles, which are an important theoretical approach in educational lexicography. In particular, the relationship between five widely used principles and their application as a scientific and methodological basis for the compilation of general and terminological dictionaries is shown. The article also analyzes the use of some of these lexicographic principles in the process of researching the creation of a terminological dictionary of geological terms in English and Uzbek.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss1/S-pp25-29>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Инглиз ва ўзбек тилларида геология терминлари бўйича луғат тузиш тамойиллари тадқиқи

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

лексикография,
терминологик луғат,
илмий-методик,
геология.

Ушбу мақолада ўқув лексикографиясида муҳим назарий ёндашув ҳисобланган лексикографик принципларнинг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинган. Хусусан, кенг амалдаги келтирилган бешта принципларнинг ўзаро боғлиқлиги ва илмий-методик асос сифатида умумий ва терминологик луғатлар учун қўлланиши баён этилган. Мақолада инглиз ва ўзбек тилларида геология терминлари бўйича терминологик луғат тузиш тамойилларининг тадқиқ жараёнида ушбу айрим лексикографик принциплар қўлланилгани таҳлил қилинган.

¹ Senior Teacher, Department of English Language Teaching Methodology and Educational Technologies, Uzbekistan State University of World Languages. E-mail: lola.rihsieva@mail.ru

Исследование принципов создания словаря геологических терминов на английском и узбекском языках

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

лексикография,
терминологический
словарь,
научно-методическая,
геология.

В статье рассматриваются особенности лексикографических принципов, которые являются важным теоретическим подходом в учебной лексикографии. В частности, показана взаимосвязь пяти широко используемых принципов и их применение в качестве научно-методической основы для составления общих и терминологических словарей. Также в статье анализируется использование некоторых из этих лексикографических принципов в процессе исследования создания терминологического словаря геологических терминов на английском и узбекском языках.

КИРИШ

Лексикографияга бўлган эҳтиёж ва унинг роли ортиб бориши тилшунослик фанлари мутлақо мустақил ва муҳим ўрин эгаллашига олиб келди. Чет тилларни луғатсиз ўрганиб бўлмаслик ва луғатларни ўқув воситаси деб ҳисоблаш мумкинлиги сабабли, тилшуносликнинг бир бўлими сифатида ўқув лексикографияси шаклланди, унинг асосий йўналиши ўқув луғатларини яратиш назарияси ва амалиёти ҳисобланади. Луғатшунослик назарияси ва амалиётига бағишланган илмий-методик характердаги тадқиқот ишлар бажарилди. Лексикографияда эътиборга олинadиган ўзига хос илмий-методик принцип ва тамойиллар А. Нурмонов, Ё. Ҳамраева, В.В. Морковкин, Г.М. Васильева, И.Н. Левина, М.В. Моисеев, А.Е. Супрун, В.В. Дубичинский, Питера Марка Рожеларнинг илмий ишларида илгари сурилган.

МАТЕРИАЛ ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Лексикографик принциплар ўзаро боғлиқлигини қандай луғат тури бўлишидан қатъи назар, ўқув лексикографиясининг лингвометодик асоси сифатида кўриш мумкин. Кўп йўналишли **селективлик принципи** луғат тузувчига ўқув лексикографиянинг вазифаларидан келиб чиқиб, бошқа махсус лексикографик нашрлар муаллифлари томонидан тўпланган маълумотларни танлаб олиб, ўзининг ўқув луғатида кўрсатиш имконини беради. Бунда луғатдан фойдаланувчига ҳар хил турдаги, мисол учун изоҳли, энциклопедик, синонимлар, идеографик(мавзуий) луғатлардан маълумотлар танланиб, тақдим этилиши керак (Г.М. Васильева, И.Н. Левина, 2017). Ҳозирги вақтда рус лексикографлар томонидан иккита етакчи ва умумий принциплар амалга оширилмоқда: изчиллик ва антропоцентрик принциплардир. **Изчиллик принципи**га амал қилганда, ўқув луғатларга лингвистик кўникмаларга оид омиллар, яъни лексик-синтактик хусусиятларга боғлиқ бўлган маълумотларни киритишни ўз ичига олади. Бунда фойдаланувчининг қайси таълим олиш босқичига қараб, лексик ва грамматик маълумотлар мураккаблашиб боради. **Антропоцентриклик принципи** “фойдаланувчига йўналтириш” ёндашуви бўлиб, лингвистик кўникмаларга оид бўлмаган омилларни ўз ичига олади, яъни фойдаланувчиларнинг таълим олиш

босқичи, мутахассислиги, таълим муассасасининг тури, фойдаланувчиларнинг ёши ва миллати(маҳаллий ёки хорижий фуқароларга) ҳисобга олинади (В.В. Морковкин,1990). Г.М. Васильева ва И.Н. Левиналарнинг ҳаммуаллифликдаги илмий мақолаларида В.В. Морковкин С.Г. Бархударовларнинг илмий қарашларига асосланиб, яна махсус илмий-методик принциплардан бири **актив турдаги луғатларга йўналтириш принципини** асосийлардан ҳисобланаи, бунда пассив турдаги луғатлардан фарқли ўлароқ, актив турдагининг мақсади хорижий фойдаланувчига тақдим этиш учун долзарб бўлган, самарали ўзлаштириш ва нутқда қўллашга ёрдам берадиган луғат бирликларини ўз ичига олади. Бу асосий принцип ўз ичига яна иккита ички принципларни олади. Луғат сўзларининг маъноларини беришда *тарихий принцип* бўйича ёки сўзлардан *фойдаланишнинг долзарблиги принципи*га кўра тартибга солинади. Тарихий принцинга кўра, аввало сўзнинг бошқа барча маънолардан олдин тилда пайдо бўлган маъноси тавсифланади. Мисол учун, баъзи американча луғатларда “table”(стол) сўзининг биринчи маъноси- a thin flat tablet or slab of metal, stone, or wood, used for inscription(ёзиш учун ишлатиладиган металл, тош ёки ёғочдан ясалган юпқа текис плита) ва фақат ундан кейин – a piece of furniture consisting of a flat top set horizontally on legs (мебель жиҳози бўлиб, асосий тена текис қисми горизонтал ҳолда тўртта оёқларга ўрнатилган бўлади) деган маънони англатади (М.В. Моисеев,2006). Сўзлардан фойдаланишнинг долзарблиги принциpidан ҳозирги вақтда инглиз забонлар томонидан энг кўп қўлланилади ва асосий маъно тартиб бўйича биринчи навбатда келтирилади. Шундай қилиб, “table”(стол) сўзи учун асосий биринчи маъно “мебел бўлаги”, кейин таърифловчи маълумот тартибли жойлашиши ва фақат охирида “металл, тош ёки ёғочдан ясалган” деган маънолар келади. Лексикографлар томонидан лексик бирликларнинг маъносини тушунтиришда қўлланиладиган иккинчи принцип актив турдаги луғатларни яратишга йўналтирилади. **Компрессия ва минималлаштириш принципи**, луғат мақолаларининг ташкил қилувчи бирликлар реестрини шакллантиришда фаол қўлланилади, бунда луғатларга таянч лексемалар ва уларнинг маънолари киритилишини ўз ичига олади. Бу принципни амалга оширганда, луғат мақолалари сонини камайтиришда тартибга солинган терминологик тўпламдан ядро ва периферияда жойлашган бирликларни қамраб олиш муҳим ўрин тутаети. Ушбу принципдан XI асрда яшаган лексикография соҳасида дунё тилшунослигида юксак чўққига кўтарилган Маҳмуд Қошғарий фойдаланган ва Халил ал-Фароҳидий ибн Аҳмаднинг “Китобул-айн” асаридаги луғат тузиш принципларига танқидий фикр билдириб, *компрессия ва минималлаштириш принципи* асосида асарни таҳрирлати. Маҳмуд Қошғарий керакли сўзларни ўз жойида қўллайдиган тартибга солганини, луғатни саккиз асосий бўлим билан чеклаганини, ўқувчиларнинг фойдаланиш масаласига эътибор бериб, фақатгина истеъмолдаги сўзларнигина берганини ёзиб қолдирган. Маҳмуд Қошғарийнинг айнан шундай луғат тузиш принципи бутун дунё лексикографлари орасида шу пайтгача долзарб бўлиб келмоқда(А. Нурмонов, 2002)

НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Инглиз ва ўзбек тилларида геология терминлари бўйича луғат тузиш принципларини тадқиқ қилиш учун инглиз тилидаги МакГроув-Хилл таҳририятининг “Dictionary of geology and mineralogy” луғати ва ўзбек тилидаги

Б.А. Исаходжаев ва унинг жамоаси томонидан тайёрланган “Геология атамаларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати” танлаб олинди. Ушбу луғатларнинг таҳлили жараёнида қуйидаги лексикографик принциплар қўлланилгани маълум бўлди.

МакГроув-Хилл “Dictionary of geology and mineralogy” бўйича:

1. Селективлик принципи. (Луғат иловаларида келтирилган маълумотлар асосида)

а) АҚШда метрик тизим учун кенг тарқалган ишлатиладиган бирликларнинг эквивалентлари; б) АҚШнинг одатий тизими, метрик тизими ва халқаро тизими учун конвертация омиллари; в) Металларнинг даврий жадвали; г) Айрим кенг тарқалган жинсларнинг физик хоссалари; д) Тарихий маълумотлар асосида содир бўлган вулқонлар, уларнинг турлари ва уларга тегишли статистик маълумотлар берилган. Лексикографлар геология соҳасига оид қўшимча аниқ фактларга таянган ҳолда маълумотларни танлаб, луғат фойдаланувчиларга тақдим этилган.

1. Антропоцентриклик принципи

Геология соҳалари, асосан геокимё, минералогия ва петрологияда фаолият олиб бораётган олимлар, муҳандислар, ўқитувчилар ва талабаларга мўлжалланган бўлиб, “фойдаланувчига йўналтириш” ёндашуви бўйича амалга оширилган.

2. Актив турдаги луғатларга йўналтириш принципи

Ушбу терминологик луғат геология соҳасида актив турдаги луғатга киради, чунки терминларнинг маънолари *фойдаланишнинг долзарблиги принципи*га асосида келтирилган, яъни асосий маъно биринчи навбатда туради. Мисол учун, **anemoclast** [GEOL] A clastic rock that was fragmented and rounded by wind.- *анемокласт* [ГЕОЛ] *Синган жинс, шамол таъсирида парчаланган ва юмалоқ шаклга кирган*, **beegerite** [MINERAL] A light to dark gray mineral consisting of lead bismuth sulfide; usually occurs in granular to dense massive form.- *беегерите* [МИНЕРАЛ] *оч-тўқ кулранг минерал, қўрғошин висмут сульфидидан ташкил топган; одатда донатор шаклда ёки зичлиги юқори қаттиқ ҳолда учрайди.*

“Геология атамаларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати” бўйича:

1. Селективлик принципи

Мазкур луғатни тузишда шу пайтгача чоп этилган кўплаб русча-ўзбекча луғатлардан, геология бўйича дарсликлардан ва ўқув қўлланмалардан, ҳамда геология-минералогия бўйича фан докторларнинг илмий монографияларидан фойдаланилгани селективлик принципига ёндашганлигидан далолат беради. Шунингдек, луғат фойдаланувчисига энциклопедик луғатдаги маълумотлар танланиб, тақдим этилган. Мисол учун, **Аккумуляция – Аккумуляция** – *Ер юзасида ғовак минерал жинсларнинг тўпланишидаги барча жараёнларнинг умумий номи. Унинг иккита асосий типи: вулканик ва чўкинди т. ж. лари (чўкиндиларнинг тўпланиши, седиментация) мавжуд А.си. Кейингиси сув ҳавзаларининг тубида (субакваль А.) ёки қуруқликда (субаэраль А.) содир бўлиши мумкин. А.ни келтириб чиқарувчи геологик омиллارга қараб қуйидагилар фарқ қилинади: денгиз, кўл, дарё, шамол (зол), музлик, орогенли ва б. Алар. А. натижасида вулкан, чўкинди т. ж. лари ва аккумулятив рельефнинг турли шакллари вужудга келади.*

2. Антропоцентриклик принципи

Луғат геология ва маъдан конлари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш ходимлари, шунингдек олий таълим юртлари талабалари учун мўлжалланган.

3. Компрессия ва минималлаштириш принципи

Ушбу луғат соҳа мутахассислари томонидан геология ва унга яқин бўлган илмий-амалий йўналишларда энг кўп ишлатиладиган 10000 дан ортиқ атамаларни ўз ичига олган режалаштирилган лойиҳа эди, лекин кейинчалик унинг миқдори қисқартирилди. Бирламчи ёндашувда геология атамалари захирасига бевосита алоқаси бўлмаганларни олиб ташланиб, компрессия ва минималлаштириш принципи асосида геология соҳасига зарур бўлган 7500 та махсус атамаларни ўз ичига олувчи изоҳли луғат яратилди.

ХУЛОСА

Юқорида лексикография соҳасида илмий изланишлар олиб борган етук олимлар томонидан келтирилган ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган бешта умумий принциплар ҳаммаси ёки айримлари ҳар қандай луғат турини тузишда асосий қоида ва луғат муаллифларига бош ғоя ҳисобланиб, илмий-методик кўрсатма сифатида хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Г.М.Васильева, И.Н.Левина. Лексико-синтаксический словарь сложноподчиненных предложений для иностранных студентов: теоретические и методические ориентиры. «Вопросы лексикографии». Научный журнал, 2017 № 12.
2. В.В. Морковкин. “Основы теории учебной лексикографии”, Москва, 1990, с14-16, 71.
3. М.В. Моисеев. Лексикография английского языка. Учебно-методическое пособие, Омск, 2006, с 84-85.
4. А.Нурмонов. “Ўзбек тилшунослиги тарихи” - Т., 2002, 44- бет.
5. Б.А.Исаходжаев, М.У.Умарходжаев, А.А.Адилов, М.М.Пирназаров, А.М.Азимов. “Геология атамаларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати” Биринчи жилди, Тошкент, 2007 й.
6. McGraw-Hill. “Dictionary of Geology and Mineralogy” Second Edition, New York, 2003.